

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****566 2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
рени тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2403*

(2013 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 219-модда) 5¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2013 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 118-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 24 октябрдаги 4-мб-сон «2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2283, 2011 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 484-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2012 йил 24 июлдаги 1-мб-сон «2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари-га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2283-1, 2012 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 361-модда).

* 1 — 118-иловалар берилмайди.

50 (550)-сон

— 39 —

566, 569-моддалар

3. Ушбу қарор 2013 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 23 октябрь,
4-мб-сон